

«30» апрель 2022 йил

Дўстлик шахри

Дўстлик туман тиббиёт бирлашмаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи жамият раҳбари Х.Абдураимов (кейинги ўринларда Буюртмачи) ва «BURAN BUSINESS CONSTRUCTION CENTRE» МЧЖ (кейинги ўринларда Пудратчи) Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Д.Тиркашев мазкур шартномани қўйидагилар ҳакида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1 Иш ва хизматни бажарувчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Иш ва хизматларни бажарувчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган қўйидаги ишларни бажаради:

-Тиббиёт бирлашмасининг асосий биносини жорий таъмиглаш ишларини бажаради.

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022 йил “29” апрелга қадар иш ва хизматни бажарувчига зарурий лойиха-смета хужжатлари, техник шартлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.3. Иш ва хизматларни бажарувчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30% аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб 10 кун ичida амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб хисобланади.

2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30 % микдорида бўнак туловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аникланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ хажмда бажарилгандан сўнг буюртмачига бажарган ишлар учун охирги, узил-кесил, хисоб-китобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома томонлар томонидан тасдикланиб, газначиликда рўйхатдан ўтганидан сўнг кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабрь кунига қадар амал қиласди.

3. Тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда саклашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган маҳсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани түгрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириши.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четта чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аникланган барча камчиликларни 10 кун ичida текинга бартараф этиши.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва объектни кўриклаш бўйича зарурий чоратадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи қўйидаги хуқуқларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш хуқукига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чишиш ва қабул килиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четта чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул килган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган хисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

3.4. Буюртмачи қўйидаги ҳуқукларга эга:

3.4.1. Хар қандай вактда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориши жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вактда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмiga мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган заарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

4. Шартноманинг баҳоси ва хисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси ҚҚС билан 492 000 000 (Тўрт юз тўксон икки миллион) сўмни ташкил қиласди.

4.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган хисоб-китоб ҳисобварагига пул маблагларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганини учун буюртмачига мажбурият бажарилмаган қисмининг 20 (%) фоизи микдорида жарима, ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,5% пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган заарни коплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 (%) фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пеня, 15 (%) фоиз микдорида жарима тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амал қилувчи фуқаролик конунчилиги меъёрларига мувофиқ кўлланади.

5.4. Неустойка (жарима, пеня) тўлаганинидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу заар оқибатида ўзи етказган заар қисмини ҳам қоплади. Етказилган заарларга шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги, мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши муносабати билан тараф қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлар, шунингдек агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини бажарганида тараф олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлар киради.

5.6. Муддатини ўтказиб юбориш ёки шартнома мажбуриятларини ўзгача тарзда лозим даражада бажармаслик ҳоллари учун белгиланган неустойкани (жаримани, пеняни) тўлаш ҳамда шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик оқибатида етказилган заарнинг ўрнини коплаш, тарафларни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод этмайди.

5.7. Шартнома мажбуриятлари хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахснинг айби билан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, унинг томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблаглари ва бошқа мол-мулки мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги аниқланган, тўлов интизоми бузилган, хўжалик юритувчи субъект банкротликка дучор қилинган ёки шартнома муносабатлари соҳасида бошқа қоидабузарликлар содир этилган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 45 ва 48-

моддаларига мувофиқ фуқаролик-хукукий жавобгарликка, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175, 1761, 1762, 212 ва 214-моддаларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175, 181, 186, 205, 207 ва 209-моддаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

5.8 Буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги ташкилий ишлар ҳаражати пурратчи томонидан коплаб борилади.

6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлик бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий оғатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид карорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиги бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўргасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни жавобгар жойлашган жойдаги иқтисодий судида кўриб чиқишига топширадилар.

8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Дўстлик туман юридик хизмат кўрсатиши марказининг хulosаси олингандан кейин фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилиб тегишли назначилик органларидан руйҳатдан ўтгандан сўнг юридик кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодеси ҳамда амалдаги қонун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор килиш мумкин.

8.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор килишга ҳакли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошибб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор килишга ҳакли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлик бўлмаган сабаблар бўйича курилиш-монтаж ишларнинг боришини бир ойдан ошадиган муддатта тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор килинганида, буюртмачига тутатилмаган курилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тўлади.

8.6. Шартномани бекор қилишга қарор килган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

9. Коррупцияга қарши келишув

9.1 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларинини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиб бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги хамкорлари, пудратчилари томонидан бирбирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим.

9.2 Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганид дархол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (78 150 26 03) орқали бирбирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган холатга ойдинлик киритиш максадида ёзма изоҳ талаб қилиш хуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (үн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

9.3 Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавфхатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион холатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш хуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб кўйиши мумкин.

9.4 Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган заарларни қоплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган заарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

10. Яқуний қоидалар

10.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сунг ҳакиқий хисобланади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур олади шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

10.3 Шартномага тегишли хужжатлар илова қилинада.

11. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Пудратчи»

«BURAN BUSINESS CONSTRUCTION CENTRE»МЧЖ


(пудратчининг номи)

Манзил: Жizzах шаҳри, Xалкобод МФЙ,
Давлатобод кўчаси, 53-үй
Тел./факс: 88 435 65 55
(Х/в ёки ш/х): 20208000305237502001
Банк номи: АТБ Туронбанк Жizzах филиали

ИНН:307472674

МФО:00982

ОКОНХ: _____



Рахбар

Д.Тиркамов

«Буюртмачи»

Дўстлик туман тиббиёт бирлашмаси

(буюртмачининг номи)

Манзил: Дўстлик шаҳри Ибн-Сино кўчаси
1-үй

Тел./факс 72-335-47-79

Ш/х: 100022860082157073101054001

Банк номи: марказий банк Тошкент шаҳри
(Ташкилот) СТИР: 200999279

ОКОНХ:91511 МФО: 00014

Дўстлик тумани бўйича ғазначилик
бўлинмаси.

ИНН: 201122919

Х/р: 23402000300100001010

Рахбар

Х.Абдураимов

М.У.





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
JIZZAX VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
DO'STLIK TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

130500 Do'stlik shahri, Armasoy shoh ko'chasi.

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO 'G 'RISIDA
HUQUQIY XULOSA

№ 1999

1. Loyihaning turi: Shartnoma
2. Loyihaning nomi: 04/23-sonli pudrat shartnomasi

Loyihaning mazmuni: Do'stlik tumani tibbiyot birlashmasi boshligi X.Abduraimov va "BURAN BUSINESS CONSTRUCTION CENTRE" MCHJ rahbari D.Tirkashevlar o'rtasidagi 30.04.2022 kungi qiymati 492,000,000 so'mlik tuman tibbiyot birlashmasi binosini joriy ta'mirlash to'g'risidagi 04/22-son pudrat shartnoma loyihasi.

3. Loyihani ishlab chiquvchi tashkilot: Do'stlik tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022-yilning 30-aprel kuni ishlab chiqilgan.
4. Loyerha kelib tushgan sana: 2022-yil 30-aprel kuni Markazga elektron tizim orqali yuridik xulosa olish maqsadida taqdim etilgan.
5. Loyerha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq.

Markazning yuridik xulosa bergen xodimi loyihaning moliyaviy tomonlariga javobgar emas!

Markaz boshlig'i,
2-darajali yurist



U.A.Abdiyev
30.04.2022-yil